O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 1 март, № 41 (3840) Чоршанба

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

Республикамиз Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнида турли минтақаларда бажарилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан оммавий ахборот воситалари ходимларини бевосита таништириш ҳамда улар орқали бу натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида вилоятларда сайёр матбуот анжуманлари уюштирилмоқда.

ИСЛОҲОТ НЕЪМАТЛАРИ

Навбатдаги матбуот анжумани шу йилнинг 23-24 февраль кунларида Самарқанд вилоятида ўтказилди. Ушбу тадбир «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг 2005 йил якунларига бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Матбуот анжумани олдидан, деярли икки кун журналистлар Самарқанд шаҳри ҳамда вилоятнинг Жомбой, Пайариқ, Каттақўрғон шаҳри ва тумани ҳудудидаги мактаб таълими ислоҳоти самаралари билан танишдилар ҳамда халқ мақолида айтилганидек, минг марта эшитгандан бир марта кўриш чиндан-да афзал эканлигига кўнгилдан ишонч ҳосил қилдилар.

Вилоятда мактаблар ҳар томонлама ўзгармоқда. Айниқса, қишлоқ мактабларига жиддий эътибор қаратилган. Бунинг сабаби тушунарли, вилоятдаги 1190 та мактабнинг 80 фоизи қишлоқларда жойлашган. Мана, Жомбой туманининг олис Гўбиддин қишлоғидаги 1-умумтаълим мактаби. Шахмат доскасидай текис дала ўртасида икки қаватли муҳташам бир кошона. Хоналари кенг, ёруғ, баҳаво. Фан кабинетларининг ҳаммаси энг замонавий ўқув-лаборатория , компьютер ускуналари билан таъминланган. Мактабда спорт зали, ёнида стадион мавжуд. Атрофда ниҳоллар, яшил майдонлар кўкариб келяпти. Олис бу қишлоқдаги мактаб шаҳарлардаги энг яхши мактаблардан ҳеч бир қолишмайди. Мактабнинг мана шундай замонавий қиёфа касб этишида «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг ҳомийлик хизмати катта. Бу ташкилот 1-умумтаълим мактабини тубдан, мукаммал таъмирлашга 150 миллион сўм маблағ ажратибди.

Пайариқ туманида ҳам худди шундай ораста, замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаган, замонавий жиҳозланган мактаблар оз эмас.

Каттақўрғон туманидаги 33-мактаб эндигина қуриб битказилибди. Бевосита фермер хўжаликларининг хомийлигида. Отаоналар ҳам қараб туришмай, қўлларидан келганча ҳисса қўшибдилар. 320 ўринли бу мактаб ғоятда чиройли. Ҳали хоналаридан бўёқ ҳиди анқиб турибди. Мактаб 21 мартда — Наврўз айёми куни тантанали очилар экан.

Журналистларда Каттақўрғон шаҳридаги ва атроф қишлоқлардаги бошқа мактаблар ҳам ниҳоятда яхши таассурот қолдирди. Масалан, Каттақўрғон марказидаги салобатли 17-мактабни олайлик. У математика, информатика, инглиз тилини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган. Анжуман доирасида мактабдаги спорт мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мажмуада 4 та йирик спорт зали, тренажёр мавжуд. Бу ерда ўқувчилар спортнинг 12 тури бўйича, малакали спорт устозлари раҳбарлигида шуғулланадилар. Мактабда яқин орада сузиш ҳавзаси, футбол майдончаси ҳам бўлади.

Пайшанба кўрғонидаги 3-мактаб фаолияти эса бошқа бир жиҳати билан алоҳида диққатни тортади. Мактабда кўпгина ўғил-қизлар ўқийди. Аммо бу ердаги таълим-тарбияда айниқса, қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга ўзгача аҳамият берилмоқда. Жумладан, спорт ва бадиий гимнастикага эътибор катта. Мактабда компьютер саводхонлиги, инглиз тили таълими аъло даражада йўлга қўйилган.

Умуман олганда, вилоят Халқ таълими бошқармаси раҳбари М. Бобоёровнинг маълум қилишича, Самарқанд вилоятида манзилли дастур бўйича 2005-2009 йилларда 35 та янги мактаб қурилиши, 268 та мактаб реконструкциядан чиқарилиши, 287 таси капитал ҳамда 317 таси жорий таъмирланиши белгиланган. Ўтган 2005 йилда вилоятда 2010 ўринли 6 та янги мактаб бунёд этилди. 28 та мактаб реконструкциядан чиқарилди. 33 та мактаб капитал, 43 та мактаб жорий таъмирланди.

Мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоблари билан жиҳозлаш соҳасида ҳам вилоятда ўтган йили йирик ишлар бажарилди. Айрим далилларни келтирайлик. 70 та лингафон хонаси, 92 та компьютер синфи, 59 та спорт зали, 23 та фаоллар зали, 127 та физика, кимё, биология, синфлари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, вилоят мактабларида таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш бўйича узлуксиз амалий ишлар олиб борилмоқда. Таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан вилоятнинг 16 та туманида 25 та таянч мактаб негизида синов-тажриба майдонлари ташкил этилган. «Энг яхши мактаб», «Энг намунали услубий кабинет», «Энг намунали услубчи», «Энг яхши фан кабинетлари» танловлари ҳам таълим сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Умумтаълим мактабларида спорт базасини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор кўрсатилмоқда. 2005-2009 йилларда вилоят мактабларида 175 та спорт зали қурилади. Бу иш босқичма-босқич амалга оширилмоқда...

Матбуот анжуманида халқ таълими вазири ўринбосари У. Мусаев қилган маърузада нафақат ушбу вилоятда, балки бутун республика миқёсида мактаб ислоҳоти бўйича 2005 йилда бажарилган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар атрофлича таҳлил этилди. Оммавий ахборот воситаси ходимлари ҳам сафар мобайнида ўз кўрган-билганлари асосида туғилган ўй-мулоҳазаларини ҳамда таклиф ва истакларини изҳор этиб, анжуманнинг жонли ва амалий самарали ўтишига ҳисса қўшдилар.

Михли САФАРОВ.

ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий округлар, қўшинларни моддий-техник таъминоти хизматларининг қўмондонлик ва раҳбар ходимлари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги "Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим" маърузасида белгилаб берилган талабларидан келиб чиқиб, давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари У.Розиқулов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталди, халқимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳақида маълумот берди, йиғилганлар эътиборини жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига қаратди.

Семинар кун тартибидаги масалалар муҳокамаси чоғида таъкидландики, эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар — бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилиш борасида пухта ўйланган модел ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ишлар самарасидир.

Мамлакатимиз қўлга киритаётган иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда ҳам ўз амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, 2005 йил 1 январдан бошлаб ҳарбий хизматчиларнинг суткалик озиқ-овқат рациони қуввати 3800 килокалориядан 4500 килокалориягача кўпайтирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ўртача 35 фоизга ошди, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилар захирага бўшатилаётганда бериладиган пул миқдори энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 16 баробаригача кўпайтирилди. Қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, казарма фондини модернизация қилиш, ҳарбий қисмларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш ва ўқитиш тизимига замонавий ахборот компьютер технологияларини кенг жорий этиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бугун бизнинг армиямиз сўзда эмас, амалда жамиятнинг ғамхўрлигини ҳис этмоқда.

Семинар иштирокчилари ўз чиқишларида мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни батафсил ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Жумладан, давлат томонидан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни таъминлаш учун ажратилаётган моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш, моддий ва энергетика ресурсларини тежаб-тергаб ишлатишга эришиш, ҳарбий хизматчиларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш, улар учун замонавий ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича ҳарбий бошқарув органлари олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев семинарда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда ўтказилган мажлиси-

(Давоми 2-бетда).

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида ҳаракат имконияти чеклангалар учун 20 миллион сўмлик мурувват ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мурувватнинг баҳоси йўқ

"Енграг" халқаро мурувват ташкилоти томонидан келтирилган 27 та ногиронлар аравачаси, бошқа суянчиқ ҳамда гигиена воситалари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти, Тошкент вилоят ва шаҳри филиаллари орқали унга муҳтож оилаларга етказилади. Беғараз ёрдам, шунингдек, Наманган вилоятидаги "Лола" номли махсус мактаб-боғчасига, "Умр" ижтимоий маркази ҳамда Миллий ногиронлар реабилитация марказига ҳам топширилди.

— Ҳаракат имконияти чеклангаларни, айниқса, болажонларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга имкон қадар шароитлар яратиб бериш жамғармамизнинг асосий мақсадларидан биридир, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раиси Д. Алимжонова.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг вакиллари иштирок этишди.

Қобил ХИДИРОВ.

Табиат мусаффолиги йўлида

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг 2005 йилдаги фаолияти ва 2006 йилга белгиланган вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишнинг биринчи кунида жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ҳисоботлари тингланди. Эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, хорижлик мутахассислар сўзга чиқиб, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бир қанча халқаро лойиҳаларнинг юртимиздаги ижросидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Ҳайъат йиғилиши доирасида бир қанча семинарлар ҳам ташкил этилди. Жумладан, "Атроф-муҳитни баҳолаш ва унинг мониторинги бўйича ходимлар малакасини ошириш" мавзуси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Айниқса, "Давбионазорат", "Атмосфера", "Сувгео" каби илмий-тадқиқот институтлари экспозициялари асосида ташкил этилган кўргазма иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда қатнашган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижлик меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кўрик-танлов:

БОСҚИЧЛИ МАНЗИЛЛАР

Хоразм вилоятида «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари ниҳоясига етди. Ушбу кўрик-танловларда қатнашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар, халқ усталарининг энг моҳир ва фаол вакиллари ўзлари яратган маҳсулот намуналарини намойиш этдилар, эришган ютуқлари, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Кўрик-танловда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган товарлар, касаначилик, ҳунармандчилик асосида тайёрланган маҳсулотлар юқори баҳоланди. Танлов ғолиблари энди вилоят босқичида беллашадилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўлкамиз узра рутубатли қиш чекиниб, кўклам сепини ёймоққа киришди. Далаларда, боғларда ҳаёт уйғонди. Табиатан яратувчан, бунёдкор халқимиз енг шимариб баҳорий юмушларга қўл урди. Илло, бугунги саъй-ҳаракат кузда ўз самарасини беражак.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Жойларда бўлгани сингари Паркент туманида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу хайрли ишда тумандаги барча ташкилот ва идоралар ходимлари, ширкат ва фермер хўжалиги аъзолари, шунингдек, ўқувчи ёшлар иштирок этмоқдалар. Айниқса, ҳафтанинг шанба кунлари туманнинг кўча ва маҳаллалари ҳашарчилар билан янада гавжум бўлаётир. Улар томонидан кўча ва йўл ёқаларига мевали ва манзарали ҳамда турфа гул кўчатлари ўтқазилмоқда. Дов-дарахтларга шакл берилгач, уларнинг пастки қисми оппоқ тусга кириб, ўзгача чирой касб этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Паркент туманида олиб борилаётган баҳорги юмушлардан лавҳалар акс этган.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

АЛОҚА СОЗЛАНДИ



Газетамизнинг шу йил 25 январь сонида «Тузатилмаган телефон» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Тошкент шаҳар Сирғали туманида истиқомат қилувчи айрим абонентларнинг телефонларидаги носозликлар хусусида фикр юритилганди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятга яқинда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари У.ТЎХТАЕВ имзоси билан расмий жавоб келди. Унда таъкидланишича,

ҳақиқатан ҳам, 57-63-84 рақамидан фойдаланувчи абонент телефони ишлашида бир неча маротаба узилишлар рўй берган. Шу манзил йўналишига хизмат қилаётган тарқатув кабелининг техник ҳолатини яхшилаш мақсадида алоқа кабелини жорий таъмирлаш шу йил режасига киритилган ва бу йўналишда маълум ҳажмдаги ишлар амалга оширилган.

Линия кабель хўжалигининг бутлигини сақлаш йўналишида ва хизматдаги алоқа воситаларини таъмирлаш режаларини уддалай олмагани учун 57/58 АТС линия кабель иншоотлари муҳандиси И.Тошходжаев эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, бошқа ишга ўтказилган.

Россиялик шифокорлар Наманганда

Россия Федерациясининг Новосибирск вилояти шифокорларидан бир гуруҳи ўтган ҳафта Наманганда бўлиб, ўзбек ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашдилар.

Ҳар икки вилоят соғлиқни сақлаш тизими ўртасидаги илмий-амалий ҳамкорликка бундан тўрт йил аввал асос солинган эди. Шу давр ичида наманганлик врачлардан 25 нафари Новосибирскнинг энг намунали тиббий муассасаларида юрак қон томир жарроҳлиги, нейрохирургия ва травматология соҳасида тажриба ўрганиб қайтдилар.

Тиббиёт фанлари номзоди, профессор Н. Л. Тов раҳбарлигидаги делегация аъзолари Наманган вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишдилар. Меҳмонларда, айниқса, тиббиётнинг бирламчи бўғини — қишлоқ врачлик пунктларида ишнинг ташкил этилиши жуда яхши таассурот қолдирди. Тиббий хизматнинг ўзига хос бу тури вилоятда талаблар даражасида йўлга қўйилган бўлиб, 217 та ҚВПнинг аксарияти жаҳон андозаларига мос ускуналар билан таъминланган. Уларда фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт врачлари ташҳис қўйиш ва даволаш ишларини юқори сифатли олиб боришмоқда. Россиялик шифокорлар бундан ташқари республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг вилоятдаги филиаллари фаолиятига ҳам юқори баҳо бердилар.

Ташриф сўнггида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш юзасидан шартнома имзоланди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

даги маърузасида белгилаб берилган давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар ҳақида тўхталар экан, ҳарбий хизматчилар, армиямизнинг қўмондонлик ва раҳбарлик таркиби олдида қуйидаги устувор вазифалар турганини таъкидлади:

биринчидан, Ватан ҳимоячиларининг асосий вазифаси тезкорлик, қўмондонлик ва жанговар тайёргарлик самарадорлигини янада ошириш, шахсий таркибнинг касб кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осудаликни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, бўлинмалар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг доимий ҳарбий жанговар шайлигини таъминлаш;

иккинчидан, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун ажратилаётган бюджет маблағлари — бу Ўзбекистон халқининг, шу жумладан, қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳарбий хизматчиларнинг ота- оналари, ака-укалари ва опа-сингиллари амалга ошираётган бунёдкорлик меҳнати натижаларининг моддий ифодаси эканлигини чуқур англаб етиш;

учинчидан, ажратилаётган моддий ва энергетика ресурсларига тежамкор, оқилона муносабатда бўлиш орқали мамлакатимизда ва Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қўшинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Семинарда "Моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш — давлатимиз иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига бизнинг қўшган ҳиссамиздир" шиори остида ҳарбий қисмлар ўртасида мусобақа ташкил этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Матбуот хизмати.

1 март — Гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши халқаро кураш куни

АСРИМИЗНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОСИ

Асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик бугунги кунда нафақат муайян мамлакат ёхуд минтақа, балки халқаро миқёсда барқарорликка таҳдид солаётир.

Шунинг учун бу иллатга қарши кескин курашиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Наркомафия улкан иқтисодий кучга эга бўлган глобал даражадаги хавфга айланиб улгурган.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний оқими Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта муаммо туғдирмоқда. Минтақадаги бир неча мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, улар ушбу таҳдидга қарши курашнинг олдинги сафида турибди, дейиш мумкин.

БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси экспертлари маълумотларига кўра, ўтган йили Афғонистонда кўкнори экиладиган майдонлар ҳажми камайган бўлса-да, мамлакатда 4100 тонна қорадори йиғиштириб олинган. Бу тахминан 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хомашёдир.

Оғуфурушлар Марказий Осиё давлатларидан гиёҳванд моддаларни бошқа мамлакатларга етказиш ва бутун дунё бўйлаб тарқатиш учун транзит сифатида фойдаланмоқда.

Маълумотларга кўра, 2005 йилда Афғонистондан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган бўлиб, унинг 100 тоннадан ортиғи Марказий Осиё, яна шунчаси Покистон, 200 тоннадан ортиғи Эрон ҳудуди орқали ўтган. Наркомафия халқаро терроризм ва экстремизм билан чамбарчас боғланиб кетган. Террорчи гуруҳлар ўз мақсадларини амалга оширишга маблағ топиш учун гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солаётганидан кўп бор огоҳлантирганини таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё давлатлари трансмиллий жиноий тузилмаларнинг нишонига айланган шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини наркобизнесга қарши кураш йўлида бирлаштириш таклифини илгари сурди. Президентимизнинг гиёҳвандликка, террорчиликка қарши курашувчи халқаро марказлар ташкил этиш зарурлигига оид ташаббусининг нақадар ҳаётий экани ўз тасдиғини топди.

Президент Ислом Каримов БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот- таҳлил марказини тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Жорий йил 8 февраль куни Тошкентда "Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум"га қўшилган давлатларнинг Еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш тўғрисида битим имзоланди.

Мамлакатимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича барча зарур инфратузилмалар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан 1994 йил апрелда Наркотикларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тузилди. Ушбу комиссиянинг ижроия органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон бу борада қўшни мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари, халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий ва минтақавий даражада ахборот алмашувини фаоллаштириш, биргаликда дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, хуллас, барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

«СЕН ВАТАН АРДОҒИДА»

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят кенгаши томонидан Навбаҳор туманида ана шу номда хайрия тадбири ўтказилди. Унда боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этди.

Тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад барча ёшларнинг билим олиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун тенг шарт-шароит яратиб беришга кўмаклашишдан иборат. Мазкур кеча иштирокчиларининг билим ва истеъдодини баҳолаш мақсадида турли мусобақалар, бадиий ижод намуналари кўргазмалари уюштирилди. Ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

Шаҳар транспорти:

ОЙЛИК ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ СОНИ ЎЗГАРДИ

Таҳририятимизга бўлаётган қўнғироқларда, фуқароларнинг мурожаатларида пойтахт жамоат транспортида фойдаланиладиган ойлик йўл чипталари март ойидан эътиборан амал қилиш ёки қилмаслиги хусусида саволлар тушмоқда. Биз ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Зайнитдин АБРОРОВга мурожаат қилдик.

— Аввало, шуни айтиш жоизки, — дейди у, — кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани сингари транспорт-коммуникация тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунга келиб мавжуд автобус парклари янгиланиб, сервис хизмати кўрсатиш тармоғи шаклланди. Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш борасида бозор механизмларини татбиқ этиш жараёни суст кечаётганидан, харакат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 11 январида Президентимизнинг "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг ижросини таъминлаш нафақат юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, балки Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, турли мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш имконини беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, йўл ҳақи тўлашни соддалаштириш маблағларни тўлиқ йиғиб олиш, турли суиистеъмолликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 1 мартдан бошлаб Тошкент метрополитенида йўл ҳақи тўлаш фақат махсус жетонлар орқали амалга оширилади. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 291-сонли қарорида белгиланган шахслар шаҳар транспортида бепул юриш имтиёзини сақлаб қоладилар. Бунинг учун улар "Yolovchitransservis" ХҲЯМга мурожаат қилишлари ва "Жамоат транспортида бепул юриш учун гувоҳнома" олишлари талаб этилади. Айни чоғда Иккинчи жаҳон урушининг 1 гуруҳ ногиронлари ва кўзи ожиз кишиларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга бундай гувоҳнома берилмайди. Улар фақат юқорида қайд этилган имтиёзга эга шахсларга ҳамроҳлик қилган вақтидагина транспортдан бепул фойдаланадилар.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 1 мартига қадар 5 та ер ости ва 6 та ер усти транспортидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ойлик йўл чипталари мавжуд эди. Эндиликда унинг 6 таси сақланиб қолди.

— Аксарият йўловчилар автобус ва метронинг ойлик йўл чипталаридан фойдаланишни афзал билишади. Табиийки, эндиликда улар маълум сабабларга кўра ер ости транспортига эмас, балки имкон қадар ер усти уловига чиқишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат автобусларнинг тирбанд бўлишига, пировардида йўловчиларнинг азият чекишларига олиб келмайдими?

— Тўғрисини айтганда, бизда ҳам шундай хавотир йўқ эмас. Лекин автобусларнинг тирбанд бўлмаслигини таъминлаш мақсадида йўловчилар тиғиз бўладиган вақтлар, айтайлик, эрталаб ва одамлар ишдан, ўқишдан қайтаётган пайтларда қўшимча автобуслар йўналишларга чиқади. Маълумот учун айтишим мумкинки, ҳозирда пойтахт ҳаракат тизимлари орқали бир иш кунида 15738 та автотранспорт, 1115 та трамвай, 1238 та тролейбус аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 168 та йўналишда хусусий тармоқ вакиллари фаолият юритмоқда. Буларнинг ҳаммаси пойтахт аҳолиси ва унинг меҳмонларига узлуксиз ва намунали хизмат кўрсатиш имконини беради.

"Халқ сўзи" мухбири Саидолим ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Кумқўрғондаги хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси тумандаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиларига ойига 100 минг сўмлик стипендия таъсис қилди.

Ўқувчиларга юз минг сўм стипендия

Мактаб-интернат ўзининг салоҳияти бўйича воҳадаги олди даргоҳлардан. Мактабни битирган 50 та ўқувчидан бултур 37 таси олий ўқув юртларига киришди. Бу ерда ҳозир 267 бола таҳсил олмоқда. Ҳаммасининг кўнглида келажакда нуфузли олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш.

— Тартибларимиз қаттиқроқ, — дейди мактаб директори Дониёр Соллиев. — Таҳсил сустроқ бўлса, ўқувчининг қулоғини чўзиб ўтирмаймиз. Ишни, аввало, муаллимдан талаб қиламиз. Ахир, битта ўқувсиз ўқитувчи юзлаб шогирдини ландовур қилиб қўяди. Шогирдини ўзига маҳлиё қила олган устоз эса бутун бир бахтли авлодни вояга етказади.

Дарвоқе, стипендиянинг кимга берилишини ҳомий ташкилот, мактаб маъмурлари эмас, ҳар бир синфда фаолият кўрсатиб турган ўқувчилар кенгашининг ўзи белгилайди. Яъни, ўқувчига ўқувчининг ўзи баҳо қўяди. Демак, ўқувчида «Мен ҳам ўзимнинг илғор синфдошимдан орқада қолмаслигим керак», деган интилиш пайдо бўлади.

О.УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос сир-синоати бор. Жумладан, чўпонликнинг ҳам.

Пахтачилик Мели Арабов қарийб йигирма йилдирки чўпонлик касбини улуғлаб келмоқда. Бу борада унга отасидан ўрганган тажриба қўл келаётир. Ҳозирда у тумандаги "Қарнабота" ширкат хўжалигига тегишли 585 бош қўйни парвариш қилиб, жонзотларни қишдан беталофат олиб чиқишга эришди.

— Айни пайтда қўзилатиш мавсумини ҳам сифатли ўтказиш чоратадбирларини кўраяпмиз — дейди М. Арабов. — Она қўйлар соғлом. Ҳадемай, отаримиз дуркун қўзилар ҳисобига янада кўпаяди.

СУРАТДА: чўпон Мели Арабов ўз отарида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Она қалбидаги ғурур

Самарқанддаги Сержантлар мактабида оналар иштирокида ўтказилаётган ажойиб тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Уни вилоят хотин-қизлар қўмитаси жамоат ташкилотлари билан бирга ташкил қилди.

Тўкин дастурхон атрофида ўйин-кулгу авж олди. Бири биридан бақувват ва чаққон йигитларга ҳарбий либослар шунчалик ярашганки, уларнинг қадди-қоматларига, мамнун чеҳраларига оналар боқиб тўймайди.

— Пастдарғом туманиданман, — дейди ўзини Илаш Каттаева деб таништирган онахон. — Ўғлим Қувондиқ бугун мана шу мактаб курсанти. Қисқа вақтда анча кучга тўлибди. Унинг машқларни ва жанговар топшириқларни бажаришидан кўнглим тўлди. Ҳаракатлари аввалгидан анча чаққон. Ҳаммасидан ҳам ҳарбий мактабда яратилган шарт-шароит мени қувонтирди. Ётоқхона, ошхона, дам олиш хоналари ҳамма-ҳаммаси ўйлаганимдан ҳам зиёда экан.

Булунғурлик онахон Райҳон Шарипова ҳаяжон ичра шундай фикр билдирди.

— Фарзандим Илғоржон Шарипов ва унинг дўстлари билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашаяпман. Улар бир-бирларига шунчалик меҳрибонки, гўё бир оилада улғаяётган ахил ака-укалардек. Аслида ҳам шундай. Чунки жонажон Ўзбекистон ҳаммамиз учун бир оила. Бу оила равнақи, фаровонлиги йўлида Президентимиз, ҳукуматимиз доимий жонкуярлик қилмоқда. Сержантлар мактабидаги шарт-шароит ҳам бу фикрнинг бир мисолидир.

— Вилоятдаги жамоат ташкилотлари биз билан ҳамиша ҳамкор, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Худойбердиева. — Санъаткорлар ва шоирлар ҳам аскарлар билан учрашишдан завқланишади. Тадбиримиз «Аскар оналар слёти» деб номланди. Сабаби ҳарбий мактабга ташриф буюрган гуруҳ асосан, аёллардан иборат. Унинг аксарий қисмини фарзандлари хизмат қилаётган оналар, Зулфия мукофоти совриндорлари, шоиралар, олий ўқув юртлари талабалари ташкил этди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шартнома — лафз дегани

Жиззах вилоятида фермер хўжаликларига моддий, техникавий, агрокимёвий каби ўнлаб хизматларни кўрсатиш, шартномалар тузиш ҳамда уларнинг бажарилишида кўмаклашувчи, ҳуқуқий кўмак берувчи агрохизмат марказлари ташкил этилгани ислоҳотларнинг илк жараёнида, айниқса, қўл келди. Қишлоқ хўжалигида кундалик юмушларни йўлга қўйиш, муаммоларнинг йўл-йўлакай ҳал этилишида, айтиш мумкинки, ана шу марказлар воситачилик ролини ҳам ўйнайди. Энг муҳими, улар фермер хўжаликларининг ёнилги-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик сотиб олиш юзасидан таъминотчи идоралар билан тузадиган контрактация шартномалари пухта бўлишида алоҳида ўрин тутади.

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг икки ва кўп томонлама тузиладиган шартномаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Бултур кузда Мирзачўл туманида бўлганимизда, "Шартномаларни имзолаш ҳафталиги" деб номланган тадбир устидан чиқдик. Ҳокимлик биноси ёнидаги муҳташам залга фермер хўжаликлари ҳамда хизмат кўрсатувчи барча ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилар, ҳуқуқшунослар, вилоят адлия бошқармасининг масъул ходимлари тўпланиб, ўзаро шартномалар тузиш, имзолаш масалаларини қизғин муҳокама этишаётган эди. Бундай тадбирларнинг самараси шу бўлдики, жорий йил бошигача вилоятдаги барча тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи идоралар, бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жами 49816 та шартнома тузилибди. Бу аслида ҳукумат қарорининг вилоятдаги ижросининг исботи, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: шартномаларнинг ҳар томонлама асосли, адолатли, пухта бўлишига бу қадар эътибор берилаётган экан, уларга риоя этилаяптими?

Мисолларга мурожаат қилайлик. "Учтепа пахта тозалаш" АЖ Жиззах туманидаги "Нигорон-Т" фермер хўжалигига топширган пахтаси учун якуний ҳисоб-китоблар бўйича 20 фоизлик тўловни амалга ошириши керак эди. Афсуски, корхона буни пайсалга солиб юрди. Натижада 1 миллион 420 минг 800 сўм маблағини ўз вақтида ололмаган фермер иқтисодий зарар кўрди. Иш хўжалик судида кўрилиб, фермер фойдасига қарздан ташқари қўшимча 568 минг 300 сўм жарима ҳам ундириб берилди.

Вилоятдаги мавжуд дон корхоналарининг давлат эҳтиёжи учун фермерлар томонидан етказиб берилган маҳсулотга тўловлари ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 81 фермер хўжалигининг маблағи ана шу ташкилотлар томонидан тўласинча ҳисоб-китоб қилинмаган. Ушбу ҳолатлар юзасидан киритилган даъво аризалари бўйича вилоят хўжалик суди ер эгалари фойдасига салкам 41 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

"Истеъдод келажаги" — Арнасойдаги илғор фермер хўжаликларидан бири. Ўтган йили хўжалик "Дўстликдон" АЖ билан тузилган шартнома шартларини тўкис бажаришга ҳаракат қилди. Аммо якуний ҳисоб-китобларда эса, "Дўстликдон" маъмурияти турли баҳоналар қилиб, фермер ҳақини бермай юрди. Иш судгача бориб етди. Натижада жавобгардан фермер фойдасига 7.969.626 сўм қарз ҳамда 1 миллион 82 минг сўм жарима ундирилди.

Одатда, фермер хўжаликлари фаолиятини "Агромашсервис" акциядорлик жамиятлари хизматисиз тасаввур этиш қийин. Шу боис ер соҳибларининг кўпчилиги улар билан шартнома тузишга мажбур. Бироқ имзоланган ана шу ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низолар сабаблари ўрганилганда, кўпроқ фермерлар азият чекаётгани маълум бўлди. Айрим МТПлар шартнома интизомини кўпол равишда бузиб, келишилган вақтда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишмаган. Оқибатда биргина ўтган йилнинг ўзида машина трактор парклари вилоят хўжалик суди қарорлари билан фермерларга жами 26,5 миллион сўмдан кўпроқ жарима тўлашга мажбур бўлган. Ёки бўлмаса, 9 та фермер хўжалиги вилоятдаги "Қишлоқхўжаликкимё" АБ тизимидаги корхоналар фаолиятидан норози бўлиб, хўжалик судига мурожаат этгани ва улар фойдасига 2 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ундириб берилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Якун ва сабоқ

Бироқ, таёқнинг икки учи бўлганидек, айни пайтда ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатларни суиистеъмол қилиб, узоқ муддатга ижарага берилган ер ресурсларидан мақсадсиз, самарасиз фойдаланаётган, контрактация шартномасида белгиланган пахта ва ғалла етиштириш ўрнига шахсий манфаатини кўзлаб, полиз ҳамда бошқа экинлар етиштираётган "ер эгалари" ҳам учраб турганини ачинарлидир. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим мисолларни келтириб ўтсак. Зомин туманидаги 69 гектарга ерга эга "Сардор", "Бунёд-2" (20 гектар), "Феруз-Э" (16 гектар) фермер хўжаликлари давлат буюртмасига кўра, пахта етиштиришлари лозим эди. Амалда эса айрим фермерлар ўз ихтиёридаги ернинг бир қисмида полиз маҳсулотлари ҳам етиштирганлар. Бу билан ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси мажбуриятларини ҳамда "Ер тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасини кўпол равишда бузиш ҳолларига йўл қўйишган.

Ёки Зарбдор туманидаги "Байкал стар" фермер хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик. Бу ерда агротехника тадбирлари кеч ва сифатсиз ўтказилгани оқибатида 44,8 гектар ердаги ғўза қаровсиз қолиб, охир-оқибатда жамоа хизмат кўрсатувчи, таъминотчи ҳамда тайёрлов идораси билан тузган шартнома шартларини бажара олмаган. "Ғайратли деҳқон" фермер хўжалиги эса 32,5 гектар майдоннинг 19,5 гектарига ғалла, 9,9 гектарига чигит ва 1,6 гектарига бошқа экинлар экишни режалаштирган эди. Аммо у ўзбошимчалик қилиб, ғалла ва пахта етиштирадиган майдонларни камайтириб, унинг ўрнида бошқа маҳсулотлар етиштиришни афзал кўрган. Пировардида "Ғайратли деҳқон" туман МТПсидан 768100 сўм, "Қишлоқхўжаликкимё" ХҲдан 1.668.000 сўм қарз бўлиб қолган. Ушбу ҳолат юзасидан суд "Ғайратли деҳқон" фермер хўжалиги раҳбари Б. Ҳожиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси, 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатди. Бундай мисолларни, афсуски, яна кўплаб келтириш мумкин.

Шартнома — лафз дегани. Унинг шартларини бажариш ҳар икки томоннинг мажбуриятларига киради. Агар ана шу мажбуриятлар барбод этилса, нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки давлатимиз иқтисодиёти ҳам зарар кўради. Юрт равнақига ҳисса қўшишни истаган ҳар қандай фуқаро эса бунга асло йўл қўймаслиги лозим.

Баҳриддин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Янги АЭС қурилади

Латвия, Литва ва Эстония янги атом элетр станцияси қуриш тўғрисида ўзаро бир битимга келишди.



Мазкур иншоот Литва худудида барпо этилади. Болтиқбўйи мамлакатлари бош вазирларининг қўшма баёнотларида таъкидланишича, ушбу лойиҳада учта давлат ҳам тенг иштирок этади. Бироқ ҳалигача янги АЭСни бунёд қилиш учун қанча маблағ сарфланиши ҳисоблаб чиқилмаган.

Собиқ иттифоқ даврида қурилган «Игналинск АЭС»и айни пайтда Литванинг электр энергиясига бўлган талабининг 70 фоизини қондирмоқда. Бундан ташқари, бу ердан Латвия ва Эстонияга ҳам электр қуввати узатилиб келинаяпти.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бош вазир истеъфога чиқди

Чеченистон Республикаси бош вазири Сергей Абрамов истеъфога чиқди. Бу ҳақда республика президенти Али Алханов журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Абрамовнинг соғлиғи ёмонлашгани боис шундай қарорга келган. Унинг ўрнига «Асосий даъвогар ким?» деган саволни Алханов очиқ қолдирди.

Ўтган йил Абрамов Москва вилоятида автоҳалокатга учраб, қаттиқ жароҳатланганди. Шу пайтгача у Германияда даволанди. Унинг вазифасини вақтинча Рамзан Кадиров бажариб турибди.

Маҳбуслар ғалаёни



Бундан икки кун олдин Кобулда жойлашган қамоқхонада маҳбуслар ғалаён кўтаришганди. Ҳозирда қамоқхона маҳбуслар назорати остига ўтган. Сўнгги маълумотларга қараганда, улар билан ўтказилган музокаралардан сўнг, ғалаёнчилар ҳалоқ бўлганлар жасадини ва жароҳатланганларни беришга рози бўлган.

Ҳукумат вакилининг билдиришича, «Пул-и-Чархи» қамоқхонасига озиқ-овқат киритиш ва сув таъминоти тўлиқ йўлга қўйилган. Маҳбуслар ўзларига нисбатан шароитнинг яхшиланишини ва ҳукуматнинг юқори лавозимли шахслари билан музокаралар ўтказишни талаб қилишаяпти. Манбада айтилишича, ғалаён оқибатида камида тўрт киши қурбон бўлган.

Молиявий ёрдам ажратилаяпти

Лондонда араб тилида чоп этиладиган «Ал-Хайят» газетасининг Фаластин маъмурияти берган маълумотга таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Эрон ҳукумати «ХАМАС» гуруҳига 250 миллион доллар атрофида молиявий ёрдам беришга ваъда берди.

«ХАМАС»нинг Фаластин ҳукумати тепасига келиши кўпгина Ғарбнинг донор давлатларидан келадиган молиявий ёрдамнинг кескин қисқаришига сабаб бўлди. Гуруҳ етакчиларининг билдиришича, Эрон ва бир қатор араб давлатлари Фаластинга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ваъда беришган.

Куни кеча Европа Иттифоқи ҳам Фаластинга 120 миллион евро маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағ Аббос маъмуриятининг сарф-харажатлари учун берилади. Бундан бир неча кун илгари Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Фаластинга зудлик билан молиявий ёрдам кўрсатиш лозимлиги тўғрисидаги чақириқ билан чиққанди.

Бушнинг рейтинги тушмоқда



CBS News телеканали буюртмаси асосида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, АҚШ президенти Жорж Буш сиёсатини сўнгги пайтда мамлакат аҳолисининг ўртача 34 фоизи қўллаб-қувватламоқда. Халқаро кузатувчиларнинг билдиришича, Жорж Бушнинг рейтинги биргина февраль ойида 8 фоизга тушиб кетган.

Респондентлардан 51 фоизининг фикрича, уларнинг муаммолари Оқ уй раҳбарини умуман қизиқтирмайди. 17 фоизи эса мамлакат президентига нисбатан ижобий фикр билдирган. Сўровномада иштирок этганларнинг 30 фоизи эса бу борада ўз қарашларига эга эмас.

Қочқинлик мақоми қайта кўрилиши мумкин

Буюк Британия Ташқи ишлар вазири Жек Стронинг «Би-Би-Си»га берган интервьюсида огоҳлантиришича, россиялик тадбиркор Борис Березовскийнинг қочқинлик мақоми қайта кўриб чиқилиши ва у ўз мамлакатига экстрадация қилиниши мумкин. 2003 йилда Буюк Британиядан сиёсий бошпана топган Березовский жорий йил бошида «Эхо Москва» радиосига берган интервьюсида, бир ярим йилдан буён Россияда давлат тўнтариши амалга оширишга тайёргарлик кўраётганини айтганди.

Буюк Британия ташқи ишлар вазири мустақил бир давлатнинг конституцион ҳукуматини зўравонлик билан ағдарилишига йўл қўйилмаслигини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, Бирлашган Қироллик ҳудудида туриб, бошқа давлатларда тартибсизликлар келтириб чиқаришга тайёргарлик кўраётган шахсларга нисбатан Англия ҳукумати тегишли чоралар кўради.

Бир ой муҳлат берди

Европа Иттифоқи Сербия ҳукуматига ҳарбий жиноятда айбланаётган Ратко Младични Гаага трибуналига топшириш учун бир ой муҳлат берди. Ушбу ҳарбий зобит, мана, 10 йилдирки одил судловдан қочиб юрибди.

Мазкур талабнома ЕИ ташқи ишлари вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган йиғилишидан сўнг эълон қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Фавқулодда вазиятларга сабаб бўладиган омилларга, хусусан, табиий ва техноген хусусиятли ҳодисаларнинг қандай оқибатларга олиб келиши, давлат хазинасига қанчалик таъсир этиши, энг муҳими, одамлар ҳаётига зомин бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Дунёда кейинги пайтларда табиий, техноген ва терроризм билан боғлиқ таҳдидлар кўлами кенгайди. Маълумотларга қараганда, XX асрнинг 60-йилларда ер юзи аҳолисининг 1,6 фоизи табиий офат, авария, ҳалокатларда жабрланган. 90- йилларга келиб бу кўрсаткич 3,5 фоизни ташкил этди.

Шу боис, ҳукуматимиз томонидан аҳоли ҳудудлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар доирасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, улар келтирадиган талафотларни камайтириш ва офатларни бартараф этишга қаратилди. «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 йил 26 майда қабул қилинган) Қонун эса соҳадаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат идораларининг ваколатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, муҳофазасини кучайтиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан фуқаролар ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳам бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришга хизмат қилаётир.

Бошқарма раҳбарлигида туманларда тактик-махсус ўқув машғулотлари, халқ хўжалиги объектларида фавқулодда вазиятлар пайтида амалга оширилиадиган хатти-ҳаракатлар юзасидан фавқулодда вазият содир бўлганда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишдаги тайёргарлигини амалий жиҳатдан синаб кўриш мақсадида турли амалиётлар ўтказилмоқда.

Фуқаро муҳофазаси органлари бошлиқлари яъни, ҳар бир туман, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш борасидаги билимларини, тажрибаларини мустаҳкамлаш ҳам ушбу бошқарма зиммасидадир. Бошқарма томонидан 2005 йил 118284 нафар киши тайёргарликдан ўтказилди.

1 март — Жаҳон фуқаро муҳофазаси куни деб белгиланиши муносабати билан пойтахтимиздаги барча ўқув муассасаларида ушбу санага бағишланган дарслар, машғулот ва машқлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар ўқувчи ва талабаларни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятлар содир бўлса тартибли ҳаракат қилиш ҳамда ёшларимизда хавфсизлик маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Эргаш ИКРОМОВ.
Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғи, полковник.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	886,24	1 Исландия кронаси	18,06	1 Швейцария франки	910,69
1 Англия фунт стерлинги	2093,34	1 Канада доллари	1045,08	1 ЕВРО	1424,01
1 Дания кронаси	190,96	1 Хитой юани	149,12	10 Жанубий Корея вони	12,40
1 БАА дирҳами	326,83	1 Малайзия рингити	323,29	10 Япония иенаси	103,53
1 АҚШ доллари	1200,38	1 Польша злотийси	378,31	1 Россия рубли	42,63
1 Миср фунти	209,67	1 СДР	1723,25	1 Украина гривнаси	237,70
		1 Туркия лираси	911,66		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Президентимизнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакат молия-банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани, марказлаштирилган ҳолда маблағ билан таъминлаш ҳажми қисқараётган бир жараёнда корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағ-қўйилмалари кескин ошиб бораётгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва банкларнинг ресурслари фаол ишлатилаётгани тўғрисида ҳам алоҳида тўхталди. Бу аслида шу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Жумладан, кейинги йилларда бир қатор янги тижорат банклари ташкил этилди. Ўтган давр эса бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик тижорат банкларининг роли катталигини кўрсатди. Шу боис бугун юртдошларимизнинг молиявий муассасаларга ишончи тобора ортмоқда. Шундай ишончга сазовор бўлган банклардан бири — акциядорлик тижорат "Алоқабанк"идир.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўтган йили "Алоқабанк"да, айниқса, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш тўғрисида"ги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини бажариш орқали банкнинг барқарор ривожланиши, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш, капиталлаштириш даражасини кўтариш, самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга ва банк акцияларига кенг жалб қилиш ҳисобига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, банкнинг кредит бериш имконияти ва инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга эришилди. Бунда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 12 та филиали, 17 мини банки, 26 та жамғарма кассаси, 13 та "Western Union" халқаро пул ўтказиш ҳамда 31 та валюта айирбошлаш шохобчаси жамоаларининг хизмати катта, албатта. Улар иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларга, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобига банк мижозлари сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2004 йилда "Алоқабанк" 5186 нафар мижозга хизмат кўрсатган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсаткич 5816 нафарга етди. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг соф активлари 35,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 24,5 фоиз ўсди. Йил якуни ҳисоб-китобларга қараганда, банк капитали ўтган йилга нисбатан 13 фоизга ўсган бўлса, банк ресурс базасидаги ўсиш эса 35.6 фоизни ташкил этди.

Нақд пул тушумидаги муаммоларни ҳал этиш масаласига ҳам "Алоқабанк" ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мисол учун, 2005 йил давомида нақд пул олишдаги чекловларнинг бекор қилиниши, бу борадаги талабларга банк томонидан қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасида банк кассасига 84.0 млрд. сўм миқдорида нақд пул кирим қилинди. Шундан 35.7 млрд. сўми савдо тушумидан, 4.7 млрд. сўми аҳоли омонатларидан, 43.3 млрд. сўми аҳолига турли хизмат кўрсатишлардан тушган маблағлардир.

Жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш борасида олиб борилган ишлар ҳам қувонарлидир. Чунончи, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра омонатлар қолдиғи 5.5 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,1 фоиз ўсди. Ҳозирги кунда банкда 14 хил омонат тури мавжуд. 2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб белгиланиши муносабати билан эса улар сафига йиллик 36 фоиз даромад берувчи "Шифокор" ва "Баҳор айёми" омонат турлари жорий қилинди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш билан бирга, унинг моддий фаровонлигини шакллантириш ва банк ресурс базасини кенгайтиришда қўшимча имкониятлар яратади.

Ўтган йил давомида, шунингдек, "Алоқабанк" томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди, аҳолига нақд пулларни ўз вақтида етказиб бериш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги «Ишонч телефонлари»га аҳолидан тушаётган шикоятларни жойида текшириб, ҳал қилиш устидан доимий назорат ўрнатилди. Бу ўз навбатида фуқароларнинг мурожаатларига тезкорлик билан ечим топиш, пенсия, нафақа, бюджет ташкилотлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва бошқа хўжалик субъектлари ходимларининг ойлик иш ҳақлари ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш имконини берди.

Истиқлол ва имконият

Шу билан бирга, кредит қўйилмаларини иқтисодиётнинг реал секторларидаги устувор лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам банкнинг диққат марказида турди. Пировардида банк ўзининг ва жалб этган ресурсларининг ҳисобидан йил давомида ажратган кредит, лизинг ва факторинг қўйилмалари қолдиғи 15.0 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк кредит лойиҳаларини таҳлил қилиш, танлаб олиш ва кредит хатарларининг олдини олиш мақсадида ҳам аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиб, уларга риоя этмоқда. Банк томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун ажратилган кредитларнинг 7.9 млрд. сўми, умумий кредит суммасининг 52,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилиши натижасида эса 3298 та янги иш ўрни яратилди.

2005 йилда Марказий банк томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш мақсадида "Алоқабанк" учун 4.0 млрд. сўмлик режа белгиланган эди. Амалда бу 4.9 млрд. сўмга ёки 123,5 фоизга бажарилди. Шунинг ҳисобига қўшимча 689 та иш ўрни ташкил этилди. Қолаверса, банк томонидан жисмоний шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2.5 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди. Унинг 2.4 млрд. сўми автокредитлар ва 155 млн. сўм ипотека кредитлари, 8 млн. сўми таълим кредитидир.

Банк қошида "Western Union" халқаро пул ўтказиш шохобчаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Якунланган йилда улар орқали аҳолининг 5.2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта жамғармалари ўз эгаларига етказиб берилди. Ушбу амалиётлардан эса банк 47,4 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олди.

Бундан ташқари, ўтган йили банк жамоаси умумий суммаси 47,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 134 та экспорт, 67,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 195 та импорт шартномасини рўйхатга олиб, уларнинг устидан доимий назорат ўрнатди.

Ҳисобот йилида "Алоқабанк" томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам кўпгина ишлар рўёбга чиқарилди. Иш ҳақларини пластик карточкалар асосида тўлаш, улардан чакана савдо, коммунал, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа турларида ҳам кенг фойдаланишни ташкил этиш шулар сирасига киради. Аниқроқ қилиб айтганда, бултур банк томонидан 12193 та пластик карточка эмиссия қилиниб, улар Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси", "Ўзбектелеком", Давлат алоқа инспекцияси, Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва унга қарашли 6 та алоқа боғламаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ва корхоналар ходимлари ўртасида жойлаштирилди.

«2005 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида банк айланмасига қўшимча пул маблағларини ва аҳоли жамғармаларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури"га мувофиқ эса, 5000 дона қўшимча пластик карточка чиқарилди, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси шохобчаларида 213 дона ўрнига 223 дона терминал ўрнатилди. Натижада йил давомида пластик карточкалар бўйича 81576 та транзакция ўтказилиб, уларнинг умумий суммаси 410,4 млн. сўмни ташкил этди. Бугунги кунда жойларда банкнинг жами 282 та терминали, шу жумладан, Тошкент шаҳридаги коммунал ва алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш ҳамда савдо шохобчаларида 142 та, вилоят филиалларида эса 140 та терминали ишлаб турибди.

Кўриниб турибдики, "Алоқабанк" жамоаси кундан-кунга мижозлар ишончини қозонмоқда. Бу ишонч эса банк ходимларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари, изланишлари натижасидир.

Ислом ҲАМРО. t

Баҳорий юракнинг сўлмас гуллари

Мана, яна баҳор келди...

Ҳар баҳор бинафшалар уйқудан уйғонганида, қалдирғочлар осмоннинг нилий дафтарига муҳаббатнинг илк иншоларини битганида устоз бизни йўқлар, ҳузурига чорлар эди.

Бу соҳир дунёда ўлмайдиган, асло кўнгилга урмайдиган, эскирмайдиган нима бор? Устозларнинг ўгити.

Дийдорлашувлар ғоят кўнгилли бўлар, мушоира, дил изҳорларимиз, устознинг ғамхўрлиги, ўгитларидан ойдай тўлишиб уйимизга қайтар эдик.

Устоз биз — жилғаларга улкан дарёларга қўшилиб оқмоқ, баҳри уммонларга етиб бормоқ қудратини ўргатар эди.

Устоз биз — учқунларга гулханларга айланмоқ, дарёларга эврилмоқ, тўлқинларла беллашмоқ санъатини уқтирар эди.

Инсон ғолиб яшамоғи керак. У шунинг учун яралган. Ғолиб яшамоқ бу — ҳадсиз имтиҳонлар, ҳадсиз бардошлар, тақдир ҳадя этган хуш, нохуш туғёнлар, равону норавон йўллардир, дер эди...

Мен бахтиёр дамларимда ҳам, ғамгин сонияларда ҳам, устознинг ўгитларига суянаман.

Баҳорнинг алвон чечаклари, мунаввар тонглари инъом айлаган дилшодликлар, ҳайратлар қошида ўшал ширин ёдномаларни эсга оламан. Устоз Зулфиянинг ўгитлари, оғушида, кўмагида қувончлар, андуҳларнинг жангларидан омон ўтаман. Улар менга мусаффолик салтанати ичра яшамоғим учун сабоқлар беради. Бахтиёрлик, мағрурлик ҳадя этади.

Камалак юксакда, само амрида. У яловлар, ёғдулардан ҳосил бўлади. Мен бу камалакни эл ардоғи, юрт эъзозининг аршидан, юраклар тўридан жой олган Зулфиянинг ҳижрон оловлари, соғинч изтиробларининг барча малолини енгиб ўтган ўтли юрагига, ёрқин шеъриятига ўхшатишни истардим. Муҳаббат ҳам нола, ҳам ўтли қўшиқдир. Икки ёниқ дилнинг муҳаббат байрамини бир умр оҳорида сақламоқ осонми?! Бу — пинҳона кўз ёшлар, қоврилишлар эмасми?! Биз Ҳамид Олимжонни кўрмаганмиз. Лекин шоира шеърларида нурлардан тикланган ҳислар, покиза туйғулардан яралган, меҳрлардан, пинҳона кўз ёшлар, соғинч тўла ўтли нигоҳлардан нақш олган шоир сиймосини ҳамиша кўриб турамиз.

Баҳорий севги-ла қолган баҳорий юракда баҳор гулдошни, руҳий юксакликни улуғловчи ҳаётбахш битиклардир.

Зулфиябегим ўз даврига, ўз замонасига, инсонлар юрагига шеърият, нафосат, меҳр-муҳаббат чироғини ёққан аёл. У минглар қалбига заҳматкаш шеърияти билангина эмас, одамийлиги, муҳаббат мулкида ягоналиги, садоқат қасрида маликалиги билан ҳам кира олди.

Эл-юрт меҳридан камол топиб, халқи меҳрини шеърларига жо қилиб яшаган шоирани эл ҳам жон пардасида эъзозлайди, хуш кўради ҳамиша. Биз шогирдлар эса бир умр унга ҳавасда яшаймиз. Бир сатримиз, бирор қофиямиз унинг эътиборига тушганидан хурсанд бўлиб, қўлимизга яна қалам оламиз.

Устознинг ҳаёти ибрат. Ҳар каломи ибрат. Ҳар сатрида биз учун бир мактаб бор. Бизни ҳамиша осмон буржидаги юлдузларим деб эркаларди. Доим қўнғироқ қилар, ҳол-аҳвол сўрар, ижодий ишларимиз, ёзаётган рисолаларимиз, дардимиз, ҳасратимиз, дилшодликларимиздан бохабар эди. Сочларимизнинг турмакланиши, либосларимизнинг ярашган, ярашмаганигача унинг эътиборида бўларди. Ҳар баҳор устозимиз ҳузурида қалдирғочлардай жам бўлардик. Ёзганларимиздан ўқирдик. Қулоқ тутар, баҳра олар, оналик меҳри билан бизга термуларди. Ул устознинг, ул даҳри дунёнинг бағри, меҳри чексизлик эди.

Ул бағирдаги ҳикматларни қаламга олмоқ бўлсак, минг бир саҳифалар ожиздир.

Эътибор ОХУНОВА.

ЗУЛФИЯ

Мажнунтол

Яланғоч дарахтлар ора мажнунтол.
Шоир хаёлидай латиф, серҳашам.
Бутун новдалару таналари зилол,
Шу ерда таваллуд топмиш илк қўклам.

Зилол бу ёмғирнинг тагида бир чол
Умр ва қиш юкларидан гўё олар дам.
Юз-кўзида яйрар баҳорий хушҳол,
Кифтга зилол толдан тўн ёпмиш қўклам.

Мажнунтол йиғлоқи, боши хам дерлар,
Қўлларин чўзган-чун тупроқ тафтига.
Ҳаёт-чун. ҳусн-чун, ризқ-чун таъзим-ла
Лабларин қўймоқчи сахий кафтига.

Дарахт ҳам инсондай, ердан олар жон,
Инсон қачон ердан кетган узилиб?

Мажнунтолда зилол шодлик бир жаҳон:
Яшайди тупроққа садоқат бўлиб.

Садоқат бўлмаса, одамзот албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

Шифокор огоҳлантиради

Кейинги пайтларда Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Булунғур туманларида ёввойи ҳолда ўсадиган «Кампирчопон» ўсимлигининг уруғи аралашиб қолган буғдой ва бошқа донлардан тайёрланган ун маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида заҳарланиш ҳоллари (триходесматоксикоз) касаллиги қайд қилинмоқда.

Заҳарланишдан сақланинг

Ўсимликнинг уруғи буғдой, масхар ва бошқа гиёҳлар ўсадиган жойларга тушганда тез ривожланади ва ана шу экинлар билан бир вақтда пишади. Унинг ҳосили озуқа донлари билан аралашиб, шу дондан тайёрланган ун маҳсулотлари орқали одам организмига тушади. «Кампирчопон»нинг заҳарли уруғи хусусий тадбиркорларга қарашли тегирмонлар воситасида тайёрланган унни киши истеъмол қилгач, унинг организмидаги қон ишлаб чиқарадиган суяк кўмиклари, жигар, талоқ ва бошқаларда тўпланиб, аста-секин қон ишлаб чиқариш жараёни бузилади, қон суюлади. Организмда кундан-кунга қон камайиб, дармонсизланиш юз беради. Кейинчалик ҳолсизланиш, бош оғриши, иштаҳа бўғилиши, кўнгил айниши, бурундан қон кетиши, қорин атрофида оғриқлар пайдо бўлиши, асаб тизимини ишдан чиқиши каби белгилар пайдо бўлади. Касаллик асосан хусусий тегирмонларда тайёрланган унни истеъмол қилган одамларда содир бўлаётир.

Кўпинча заҳар аралашган ун маҳсулотлари 2-3 ой мобайнида истеъмол қилингач, касалликнинг аломатлари пайдо бўлади. Беморнинг умумий аҳволи кун сайин оғирлаша боради. Асаб тизими фалажлиги, жигар, овқат ҳазм аъзоларининг ишдан чиқиши, юрак-қон томир фаолияти бузилиши натижасида касаллик оғир оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Республика санитария-эпидемиология назорат маркази «Кампирчопон» ўсимлиги уруғидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида дон маҳсулотларини ўриб, йиғиштиришдан олдин экин майдонларини жойлардаги энтомолог, қишлоқ хўжалик ва Давлат санитария-эпидемиология назорати ҳамда ўсимликлар карантин инфекцияси мутахассислари томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Буғдойзорларда «Кампирчопон» ўсимлиги ўсаётгани аниқланса, дарҳол уларни териб олиб, йўқ қилиб ташлаш керак. Ўриб янчилган дон маҳсулотлари омборларга келтиришдан олдин синчиклаб кўриб чиқилиши, агарда заҳарли уруғ донга аралашганлиги аниқланса, ушбу дондан маҳсус тозалагичи бўлган тегирмонларда ун тайёрлаш лозим. Савдо шаҳобчалари ва бозорларда сотилаётган дон маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжат бўлмаса, ундан фойдаланиш ман этилади.

Ўзингиз ёки қариндошуруғларингизда касалликнинг клиник аломатларини сезсангиз, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг.

Жалолиддин ЗИЁВИДДИНОВ,
республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг овқатланиш гигиенаси бўлинмаси санитария врачи.

UZBEKISTAN DEVELOPMENT GATEWAY

БАРЧА ВАЗИРЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Uzbekistan Development Gateway лойиҳаси тендер эълонларини **www.dgmarket.uz** он-лайн миллий тендер майдончасида жойлаштиришни таклиф этади.

Ушбу тендер майдончаси:

- харидорларга Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан товар етказиб берувчиларни жалб қилиш, матбуотда эълонни чоп этишга кетадиган вақт ва маблағларни тежаш;
- товар етказиб берувчиларга эса 165 та мамлакатда ўтказиладиган тендерларда очиқ ва тенг ҳуқуқли қатнашиш;
- умуман олганда, Ўзбекистонда рақобатчилик кўрсаткичларини кўтариш имкониятларини яратиб беради.

Қўшимча ахборот олиш мақсадида www.dgmarket.uz га мурожаат этинг ёки қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг:
(+998 71) 150-02-02.
Факс: 151-25-48.
e-mail: dgmarket@cer.uz

Ушбу лойиҳа ССП, БМТРД, ИТМ кўмагида амалга оширилмоқда.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиғли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган, янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб кабель магистраль линиялари ўтган жойлари ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши, алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Агарда қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., Ашхабод к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-б уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш

Жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига !

ТАШКИЛОТ –
«ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

Товар сертификатланган

Мулокот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университетнинг Исломшунослик илмий тадқиқот маркази директори, филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исломовга волидаи муҳтарамаси **САНТАЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456